

НЕФТЬ-ГАЗ КИМЁСИ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди.

Нефть-газ кимёси — қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Ўзбекистонда хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарийб 9 миллиард долларлик 52 та лойиҳа белгиланган. Шундан 15 таси ноорганик кимё, 23 таси органик кимё, 12 таси полимерлар бўйича. Яна бир лойиҳага кўра, янги турдаги полимер маҳсулотлар бўйича илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиб, лойиҳаларни бевосита

ишлаб чиқаришга жорий этиладиган ҳамда етук мутахассислар тайёрлайдиган инновацион марказ ташкил қилинади. Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Кўпikli полипропилен, ёғоч-полимерли композит лист, водород пероксиди, карбоксиметилцеллюлоза асосида реа-

гентлар, карбамид формальдегид концентрати, сульфат кислота, карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар келаси йили ишга туширилади. Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол бозорда рақобатдошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Тармоқлар раҳбарларининг хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда ташқи бозорда харидор-гир бўлган, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти танқидий баҳоланди.

Шу муносабат билан газ-кимё соҳасини 2021 йилда ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, электр тармоқларида йўқотишларни анча қисқартириш ва узилтишларнинг олдини олиш, тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида энергетика соҳасини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш вазифасини қўйди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДҲДАГИ РАИСЛИГИ ДОИРАСИДА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ «БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК» МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Шу йил 23 ноябрь куни Нью-Йорк (АҚШ) шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси доирасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасидаги ҳамкорлик» махсус резолюцияси қабул қилинди.

Ҳужжат Ўзбекистон томонидан 2020 йил МДҲдаги раислик доирасида киритилди ва БМТга аъзо барча давлатлар уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов резолюцияни МДҲга аъзо давлатлар номидан тақдим қилди. У ўз мурожаатида тadbир иштирокчиларини Ўзбекистоннинг МДҲдаги раислиги бўйича фаолиятининг устувор йўналишлари билан таништирди, Ҳамдўстлиkning муҳим тadbирлари яқунларига тўхталди. Ушбу тadbирлар давомида Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтириш бўйича муҳим қарорлар муҳокама этилди ва қабул қилинди. Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган резолюцияда, хусусан, МДҲнинг савдо ва иқтисодий тараққиёт соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, илм-фан ва инновациялар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа муҳим тармоқларда биргаликдаги ишларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти таъкидланган. Резолюцияда икки тузилма ўртасидаги ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланган, БМТ тизимининг ихтисослаштирилган идоралари ва бошқа ташкилотлари, дастурлари ва жамғармалари, шунингдек, халқаро молия институтларини МДҲ билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга чақирилган. Эслатиб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 2020 йил МДҲга раислиқни қабул қилган эди. Раислиқнинг устувор йўналишни этиб кўп томонлама ҳамкорлиқни изчил кенгайтириш ҳамда самарадорлиқни ошириш белгиланди. Мамлакатимиз Президенти МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2019 йил октябрь ойида Ашхобод (Туркменистон) шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида Ўзбекистон МДҲни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика ва транзит салоҳиятини очиб, хавфсизлик ва маданий-гуманитар алмашинуви мустаҳкамлашдаги амалий шериклиқни чуқурлаштириш учун самарали платформа, деб билишини таъкидлаган эди. Ўзбекистон МДҲдаги раислик доирасида Ҳамдўстлик фаолияти учун амалий аҳамиятга эга ҳужжатларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этиш лозим. Ўзбекистон томонидан шу мақсадда Раислик концепцияси ва уни амалга ошириш режаси қабул қилинди. Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгаш мажлислари каби қатор муҳим тadbирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖАҲОН БАНКИНИНГ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ВА ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, худудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
- 2020 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) билан 100 миллион АҚШ долларини миқдорида ҳамда 2020 йил 28 майда Осие инфратузилмавий инвестициялар банки (кейинги ўринларда — Банк) билан 82 миллион АҚШ долларини миқдорида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси (кейинги ўринларда — лойиҳа) бўйича 5 йиллик имттиёзли давр билан 30 йил муддатга қарз (кредит) битимлари имзолангани;
- лоийҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улуши 1,6 миллион АҚШ долларини миқдоридаги маблағни ташкил этганлиги;
- лоийҳа Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтисодий ва

ижтимоий ривожланишдан нисбатан ортда қолаётган 21 та туманида амалга оширилиши; лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2020 — 2024 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Уюшма ва Банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

лоийҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар лойиҳа бўйича имзоланган қарз (кредит) битимларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади;

лоийҳани амалга ошириш доирасида Уюшма ва Банк кредитларини қайтариш, шунингдек, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИНГ БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу соҳаларда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани илғор биотехнологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
- 2020 — 2024 йилларда биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;
- Биотехнологиялар соҳасида 2020 — 2024 йилларда бажариладиган устувор илмий-тадқиқот ишларини

амалга ошириш дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2021 — 2024 йилларда биотехнологиялар соҳасида илмий тадқиқот ва инновация ишларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Биологик хавфсизлик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини ташкил қилиш;

(Давоми 2-бетда).



2021 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Унда келгуси йилда мамлакат иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлашга оид муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқда.

- Келгуси йилда ялпи ички маҳсулотнинг кўзланган ўсиш суръатлари саноатда ишлаб чиқариш **5,8 ҲОИЗ**, хизматлар соҳасида **6,4 ҲОИЗ**, қишлоқ ҳўжалигида **2,7 ҲОИЗ** ўсиши ҳисобиға таъминланиши прогноэ қилинмоқда;
- 2021 йилда инфляция даражаси **10 ҲОИЗ** атрофида бўлиши кутилмоқда;
- 2021 йил учун Давлат бюджети даромадлари **147,0 ТРЛН. СўМ**, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатға олмаган ҳолда **149,7 ТРЛН. СўМ** миқдорида белгиланмоқда;
- давлат мақсадли жамғармалари даромадлари **26,2 ТРЛН. СўМ**, харажатлари эса **40,7 ТРЛН. СўМ** миқдорида режалаштирилмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тушумлари **5,3 ТРЛН. СўМНИ**, харажатлари эса **13,4 ТРЛН. СўМНИ** ташкил этиши кутилмоқда;
- ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига режалаштирилаётган харажатларни консолидациялашган бюджет таркибига киритиш тақлиф қилиниб, 2021 йилда ушбу харажатлар **12,1 ТРЛН. СўМ** миқдорида бўлиши прогноэ қилинмоқда;
- 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чегараси **37,5 ТРЛН. СўМ** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **5,4 ҲОИЗ** миқдорида белгиланмоқда;
- жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасида илк бора биринчи даражали бюджет маблағларининг тақсимловчилари бюджетда давлат дастурлари учун ажратилаётган маблағлар алоҳида кўрсатилмоқда;
- давлат қарзи қолдигининг миқдори жорий йил ялпи ички маҳсулотга нисбатан **60 ҲОИЗдан** ошмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

■ Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ИЛМ-ФАН, ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ

мамлакатни инновацион ривожланиш йўлидан етаклашга қодир

Бугунги Ўзбекистон кечагисидан тубдан фарқ қилиши барчамизга аён. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланиб, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ислохотлар мамлакатга янги қиёфа бахш этмоқда. Уларнинг жадал суръати эса учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек улугвор мақсад билан изоҳланади.



ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Ҳар қайси давр ўзининг машҳур шахслари — халқни илҳомлантириб ютуқларга бошловчи етакчилар, доншманд олимлар ва маърифатпарвар инсонлар фаолиятига таянади. Жумладан, янги Ўйғониб даври ҳам. Билими, ижодкор ва илғор фикрловчи шахслар бўлмас экан, тараққиётга эришиш мушкул. Илм-фан, ишлаб чиқариш, тadbиркорлик, маданият — хуллас, барча соҳада янгилик

яратишга қодир бўлган кишиларгина жамиятни ўзгартира олади. Бундай инсонлар қатлами эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Янги билимлар, ғоялар ва фалсафий қарашлар асосида янги фикр юзага келади. Замондан орқада қолган қозақ таълим тизими эса келахакка пойдевор қўядиган авлодни тарбиялаб, уни улкан бунёдкорликка қорғай олмайди.

ПАРЛАМЕНТ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА КРЕАТИВ МУНОСАБАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида депутатлар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига айрим ваколатлар бериш, бир қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳаларини қўриб чикди. Муҳокамаларда асосий эътибор тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш, уларнинг ҳаётиимиздаги таъсирчанлигини ошириш, бу борада аниқ механизмлар ҳамда ҳуқуқий кафолатларни қўллаш масалаларига қаратилди.

Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига айрим солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилаяпти

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция ҳамда қўмиталар томонидан бицидирилган фўмр ва тақлифлар ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилгани ҳамда лойиҳага тахририй ўзгаришлар киритилгани таъкидланди.

Қонун лойиҳаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғи ва ер солигининг қамайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилаяпти.

Шунингдек, Солиқ кодекси билан ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар, ер участкалари эгаллаган қисми бўйича, соғломлаштириш ва дам олиш жойлари, дам олиш уйлари, аҳолининг оммавий дам олиши ҳамда туризмини ташкил этиш учун белгиланган жойлар, агар улар тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган ва туристик зоналарда жойлашган бўлса, санаторий-курорт хизмати учун фойдаланишга берилган, туристик зонада жойлашган кўчас мулк объектларига мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалиётда бир-бирига зид қонун ҳужжатлари юзага келишининг олдини олишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладди.

Дастлабки тергов: қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал

кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чикди.

Қонун лойиҳаси юзасидан Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А. Холмаҳматов маъруза қилди. Лойиҳа асосида жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг айрим моддаларига ўзгаришлар ҳамда қўшимча киритилаётгани қайд этилди. Хусусан, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳаёти, жамият ва давлатнинг манфаатларига таҳовуз қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари, ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг соғлиғи, мол-мулки, жамоат тартиби ва ҳафсизлигига, давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан эса мамлакат конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий ахилитлиги, шунингдек, бошқа манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Муҳокамаларда Жиноят кодексидан назарда тутилган айрим коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари бўйича дастлабки терговни прокуратура органлари ваколатига ўтказиш тақлифига алоҳида эътибор қаратишди. Қонун ташаббускори томонидан таъкидланганидек, прокуратура органларининг тергов тармоқларида ушбу турдаги ишларни тергов қилиш бўйича кўп йиллик тажриба мавжудлиги, терговчиларда мансабдорлик жиноятларини фош этиш бўйича самарали билим ва кўникмалар шаклланиши ушбу жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, лойиҳа асосида Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси бешинчи қисмига Жиноят кодексининг 1251, 2161, 2162-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича дастлабки терговни ички ишлар органларига ўтказиш юзасидан ўзгариш киритишда жиноятларни фош этишда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув

фаолиятининг салоҳияти, уларнинг бу борадаги қўч ва имкониятлари юқори эканлиги инобатга олингани қайд этилди.

Депутатларнинг фикрича, Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгаришлар қонунчиликдаги баъзи бўшлиқларни тўдириш, амалиётда айрим турдаги жиноят ишлари тергов қилинишида тергов органлари ўртасида келиб чиқаётган сансалорликларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти нима?

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаларида даставвал ушбу ҳужжатнинг нечоғли аҳамиятга эгалигига эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Жиноят-процессуал қонунчилиги курсатувларни олдиндан мустаҳкамлашга оид янги институт билан тўлдирилмоқда. Мазкур институт суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасининг самарадорлигига сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказида ҳамда иш юритишни соддалаштиради.

Шунингдек, лойиҳа билан Жиноят-процессуал кодексига айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳам киритилмоқда.

Айбига иқрорлик тўғрисида келишув — ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича ўзига нисбатан қўйилган гумон, айбон билан келишган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни қоплаган гумонланувчи ёки айбланувчи томонидан бийдирилган илтимосномага асосан жиноят ишини юритишнинг назорат қилувчи прокурор билан тузилмадиган келишув лойиҳада белгиланмоқда.

Шунга асосан, Жиноят кодекси айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноят ишлари бўйича жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу кодекснинг махсус қисми тегишли моддаси (қисми)да назарда тутилган энг кўп жазонинг яримдан ошмаслиги кераклигини белгिलाб берувчи 581-модда билан тўлдириляпти.

Хўш, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг қонунчи-



ликка киритилиши қандай натижаларни беради?

Қайд этилганидек, бунда фуқароларнинг жиноят процессига ортиқча жалб қилиниши қамайтирилади, мураккаб бўлмаган ишлар бўйича иш юритишни қисқартириш ҳисобидан Давлат бюджетининг сарф-харажатлари иқтисод қилинади, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судларга мураккаб ишларга кўпроқ эътибор ва вақт ажратиб, улар ҳар томонлама қўриб чиқилишига имконият яратилади.

Бундан ташқари, лойиҳа билан жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари кафолатлари қўмайтирилаётгани эътиборга молик. Чунончи, Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида шахс ўта оғир жиноят содир этганлиқда гумон қилинаётган ёки айбланаётганда, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки ўй қамогини тарзиди эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи қўриб чиқилаётганда, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Судлар фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти мувофиқлаштирилади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чикди.

Қонунчилик палатасида таркиб топган янги амалиётга мувофиқ, қонун лойиҳасини концептуал асослаш ҳамда депутатлар ҳузурида уни ҳимоя қилиш учун адлия вазирини Р. Давлетов маъруза билан чикди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун ҳужжатларида адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақ-

димномаларини бажармаслиқнинг ҳуқуқий оқибатлари аниқ белгиланмагани уларнинг таъсирчанлиғи пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, қонун бузилишларини тўлиқ бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш имконини бермаяпти. Шунингдек, тақдимномаларни бажармаслик бўйича жавобгарликка тортишда судлар фаолиятида турлича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам шаклланган. Биргина адлия органлари томонидан 2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг I ярим йиллигида 39 минг 176 та тақдимнома киритилган. Лекин идоралар ва ташкилотлар томонидан 221 та тақдимноманинг ижроси таъминланмаган.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳа билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга қўра, адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик, жумладан, ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланаяпти. Ҳудди шундай ҳуқуқбарзлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такорр содир этиладиган бўлса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг давлат мулки объектига тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳақидаги тақдимномаларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик ўрнатилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларининг ўз вақтида бажарилишига ҳамда соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиладди.

Зйёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

мой корхоналар реестрига киритилди.

Айтиш жоизки, тушум умумий ҳажмининг камида 50 фоизи ижтимоий товарларни сотишдан ёки ижтимоий хизматлар кўрсатишдан тушган тушум ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари ижтимоий корхона мезонларига мос келади. Тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши уларнинг солиқ ҳисоботларини ўрганиш орқали солиқ органлари томонидан аниқлиниши ҳам қонун лойиҳасида белгиланган.

Умуман олганда, “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилса, нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг турмуш шароитлари яхшиланади, балки уларнинг бандлигини таъминлаш, даромadini қўпайтириш учун ҳам қўлай имконият яратилади.

Дилбэр УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zliDeP фракциса аъзоси.

ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТЛАР — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кундаги изчил, шиддатли, самарали ислохотлар, биринчи навбатда, ҳар томонлама пишиқ-пукта, ҳаётий, энг муҳими, халқчил қонунлари яратилиш ва уларни қабул қилиш заруриятини тўғдирилмоқда. Бу бежиз эмас, боиси ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятининг “ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам қонун бўлиши керак”. Айниқса, жамият янгиланаётган бир пайтда бу ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Нуктаи назар

Ана шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойилларини янада юксалтириш йўлидаги қадамлардан биридир. “Ижтимоий тадбиркорлик” атамаси тилимизда кам ишлатилаётган бўлса-да, бу дунё микёсида кенг қўлланилаётган ҳамда қонун билан мустаҳкамланган тамойиллардан саналади.

Мисол учун, ижтимоий тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар Корча Республикаси, Италия, Буюк Британия, Бельгия, Польша АҚШ, Хитой ва бошқа давлатлар қонунчилигида ўз ифодасини топган ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликнинг ўзига хос модели шакллантирилган. Шу маънода, ижтимоий тадбиркорлик, бу, ижтимоий

адолат ва жамият манфаатларининг устуворлиги билан боғлиқ фаолият туридир. Мазкур йўналишда тадбиркорлик қилишга бел боғлаган шахс, аввало, ватанпарвар бўлиши, элу юрт, одамлар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиши лозим. Бу жиҳат “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ҳам ўз аксини топган. Унда ижтимоий корхона оцаётган тадбиркорлик субъекти ҳодимларининг умумий сонида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар 70 фоиз бўлиши белгиланган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фонднинг камида 70 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари ижти-

ИНВЕСТИЦИЯ МАҲОРАТИ

Иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида мамлакатимизда инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Китоб жавонингизга


Шу билан бирга, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига ва бошқа турдаги рақамли иқтисодиётга тегишли бизнес йўналишларига жалб этиш орқали даромад манбаини кенгайтириши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатнинг молиявий барқарор фаолиятини таъминлашнинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу ўринда, инвестициялардан даромад топиш йўллари, жумладан, қимматли қоғозлар бозори, облигациялар (бонд), стартап лойиҳалар ва уларга инвестиция жалб қилиш борасидаги билимлар нафақат соҳа мутахассислари, балки молия бозорига қизқичан ҳар бир киши учун ниҳоятда зарур. Зеро, инвестицияларни амалга оширишда ҳаммаша турли хилдаги риск даражалари пайдо бўлади.

Иқтисодчи олимлар Мансур Эшов, Чори Мирзаев, Абдулносир Турсунов ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Инвестиция маҳорати” китоби айна шу масала-

лар таҳлилий асосда тушунтириб берилгани билан аҳамиятлидир. Ун бўлимдан иборат ушбу қўлланмада молия бозорининг асосий тушунчалари, вазифалари ва шакллари кенг ёритилган, шунингдек, инвестициялардан даромад топиш йўллари ва улардаги риск даражалари, қимматли қоғозларга инвестиция қилишнинг асосий стратегиялари ва дивиденд олиш имкониятлари, миллий ва глобал етакчи товар хом ашё биржалари ҳамда уларда амалга оширилган савдолар аниқ мисоллар орқали келтирилган.

Хусусан, рисоланнинг саккизинчи бўлими қилишларнинг инвестиция маҳоратини ривожлантириш стратегияларига бағишланган. Унда IPO (Initial Public Offering) — қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорда оммавий тақлифи жараёнидан фойда куриш ҳамда FOREX савдоси бўйича стратегиялар, стартап лойиҳаларни ривожлантириш усул ва услублари кенг очиб берилган.



Китобни тайёрлашда чет эллик олимларнинг махсус адабиётларидан фойдаланган ҳамда миллий ва хорижий ташкилотлар расмий маълумотлари таҳлил қилинган.

Қўлланмадан қимматли қоғозлар бозори орқали даромад топишга интилувчи инвесторлар, иқтисодиётнинг барча йўналишда таълим олаётган талабалар, магистрантлар, докторантлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, иқтисодиёт ва молия соҳасига қизқиувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

«Халқ сўзи».

МАНЗИЛИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлат раҳбари 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ҳудуднинг ҳар бир шаҳар ва туманини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган вазифаларни белгилаб берган эди. Шу мақсадда янги тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш учун 37 мингта хонадон ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўрганилиб, долзарб масалалар аниқланди.

Мушоҳада

Ушбу таҳлиллар асосида Қорақалпоғистон Республикасини 2020 — 2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, ҳудуднинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида янги тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзлари белгиланмоқда. Бундан ташқари, ривожланишдан ортда қолмаётган Тахтақўпр, Бўзотов, Шуманай туманлари ҳамда 45 та шароити оғир маҳалла ва овуларда санаот ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишида янги ташкил этилган корхоналар ҳам имтиёзларга эга бўлмоқда.

Албатта, Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариш ресурслари ва инвестиция салоҳияти мавжуд, муҳими, улардан самарали фойдаланиш тақозо этилади. Иқтисодий имкониятларни самарали юзага чиқариш эса муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш ва рақобатбардор махсус лотлар етиштиришни таъминлай- зарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такорр содир этиладиган бўлса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг давлат мулки объектига тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳақидаги тақдимномаларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик ўрнатилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларининг ўз вақтида бажарилишига ҳамда соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиладди.

Зйёда АШУРОВА

(«Халқ сўзи»).

Қорарда ҳудуддаги мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш ва унинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини яхшилаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёз ва преференциялар мажмуи белгиланган.

Жумладан, ҳудуд туманларининг ўзига хос “ўсиш нуқтаси” сифатидаги иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад қилинмоқда. Бундай иқтисодий фаолият йўналишлари ҳар бир туман (шаҳар) бўйича қарорда батафсил кўрсатиб берилган.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтақўпр, Бўзотов, Шуманай туманларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида ушбу ҳудудларда янгидан ташкил этиладиган санаот йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январига қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг

қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилиниши ҳамда фойда солиғи ва сув солиғи тўлови амалдаги белгиланган солиқ ставкаларининг 50 фоизи миқдоридида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, уларга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган ҳамда фақат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона божни тўлашдан озод қилиниши имтиёзи ҳам назарда тутилган.

Шароити оғир маҳалла ва овуларда янгидан йўлга қўйиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари учун ҳам махсус имтиёзлар қарорда мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасида шароити оғир 45 та маҳалла ва овуларда янгидан ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари учун 2026 йил 1 январга қадар фойда солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилиш имтиёзи қўлланилади. Бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида миллий валютада олинадиган банк кредитлари фойда ставкасининг бир қисмини қоплаш учун Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдоридида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси ҳисобидан компенсация берилди.

Масалан, Марказий банк асосий ставкаси 14 фоиз бўлса, унинг 50 фоизи, яъни 7 фоиз миқдоридида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси ҳисобидан компенсация берилди.

Бундан ташқари, меҳнат ресурслари даражаси юқори бўлган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидида бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун 2022 йил 1 январга қадар олинадиган банк кредитлари бўйича гаров таъминоти сифатида тегишли вилоят ҳокимликлари истисно тариқасида ҳамда алоҳида шартлар асосида қарорлар бериши мумкин.

Қорарда белгиланган вазифалар ижроси ҳудуддаги мавжуд салоҳиятдан умумий фойдаланиш, санаот соҳасини ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий технологияларни қўллаш орқали аҳоли бандлиги ҳамда турмуш даражасини янда яхшилаш мақсадида эришилиши таъминланади.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ

Бугун халқ вакиллари — депутат ҳамда сенаторларга нисбатан халқнинг ишончи ортиб борапти. Бунга улар ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш орқали аҳоли манфаатига хизмат қилиш билан эришяпти.

Халқ билан мулоқот

Андижон туманидаги “Сайдуллобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг Янги авлод кўчасида яшовчи 83 та хонадон аҳли ҳам Олий Мажлис Сенати аъзоси Матлубахон Ғаниевадан миннатдор. Сенатор фуқароларнинг ушбу ҳудуддаги эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилишида амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаатларини эътиборсиз қолдирмади. Масала тез орада ижобий ечимини топди — эски, фойдаланишга ярқосиз симёғочлар янгисига алмаштирилди.

— Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, юртдошларимизни

йўлангирган муаммоларни имкон қадар ҳал қилинишини таъминлаш — Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан амалга оширилаётган ва кундалик фаолиятининг узвий қисмига айланган, — дейди М. Ғаниева. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан одамларнинг муаммо ва ташвишларини ҳал этиш, оғирини енгил қилиш йўлида олиб борилаётган бу каби ишлар юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга, эртанги кунга бўлган ишончнинг мустаҳкамламоқда.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг халқаро бўлими бошлиғи Аюбхон Қаюмовга отаси **Аскархон ҚАЮМОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИЛМ-ФАН, ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ

мамлакатни инновацион ривожланиш йўлидан етаклашга қодир

Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига киришганидан буён амалга оширилган, пухта ўйланган қадамларнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда. Тараққиётнинг энг устувор йўналишларини белгилашда давлатимиз раҳбари иқтисодий соҳа билан бирга илм-фан, инновация, таълим-тарбия, саломатлик ва спорт, маданият ва санъатни энг олдинги қаторларга қўйиши бежиз эмас, албатта. Зотан, тарих сабоғи ҳар доим кишига нимаи айнан қандай ўзгартириш лозимлигини уқитиб туради.

Афсус, юртимиз ўтмишида шундай давр ҳам бўлдики, асл қадриятлар ўрнини сунъий равишда сингдирилган “қолиплар” эгаллади. Илм-фан, санъат, таълим ва маърифат сиёсийлаштирилиб, кейинги ўринларга суриб қўйилди.

Биргина боланинг шахсини шакллантирувчи ўқитувчиларга бўлган муносабатни олайлик. Улар ўз устида ишлаш, янги педагогик технологияларни ўқиб-ўрганиш, халқаро тажрибани, соҳадаги энг сўнгги янгиликларни мунтазам кузатиб бориш ўрнига қоғозбозликка, асл вазифасига қирмайдиган турли юмушларга қўмилиб қолганди. Боз устига, олаётган ойлик маоши ҳаминқадар бўлган муаллимни рўзгор тебратishi ташвиши ҳам қийнардди. У мактабдан ортиб ўзини ўтга-чўққа уришга ҳам мажбур эди. Ана шундай ҳолатда ўқитувчилардан таълим-тарбиянинг юқори сифатини талаб қилиш мумкинмиди?! Виждон тарозисига солинса, бунга уларнинг физиологик имкониятлари етмаслигини барчамиз ҳам билардик. Шунга қарамай, баркамол авлодни камолга етказишни улардан талаб қилдик. Бу, таъбир жоиз бўлса, саҳрода чанқаб аранг кетаётган инсондан сўв сўраш билан баробар эди...

Бундай ҳолат секин-аста кадрлар тайёрлашнинг сифати ва даражасини пастайтирди, нафақат ижтимоий соҳа, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳам орқага кетишга сабаб бўлди.

Президентимиз ана шундай мураккаб ҳолатда нияоятда оқиллона йўл тутди. Ўқитувчиларнинг оғир ва машаққатли, шу билан бирга, гоят шарафли меҳнатини муносиб қадрлаш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ҳамда имкониятларини сафарбар этишга киришди. Пировардда, маърифат фидойиларининг ойлик маошлари оширилди, улар мажбурий меҳнатдан, ортиқча қоғозбозликдан, қўйингки, ёшларга мукамал билим беришлари учун халал берадиган ҳар қандай юмушдан халос этилди. Бу ҳаётий қувватини тобора йўқотиб бораётган таҳлика қўйилган янги қон каби таъсир қилдики, натижада соҳада жонланish кўзга ташланмоқда. Муаллимлар эртанги кунимиз эгалларини, бунёдкорларини тарбиялайдиган буюк ва қудратли куч эканликларини ҳис қила бошлади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ВАТАН ТАҚДИРИ

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбирдаги нутқида буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзларини бежиз эслатмади.

Эраимиздан аввал айтилган бу фикр таълим ва тарбия масаласи ҳақида, энг қадимги даврлардан бошлаб, долзарб аҳамият касб этганидан далолат беради. Ривожланган давлатлар айнан илм-фан ва

таълимга катта эътибор берилгани туфайли ҳам тараққиёт ва фаровонликка эришган.

Мазкур ҳаётий ҳақиқат неча марталаб исботланган.

Яна бир ёрқин мисол тариқасида Гумбольдт ислохотини келтириш мумкин. У тарихда инсониятга таълимнинг янги моделини туҳфа қилган энг самарали, натижадор ислохотлардан бири сифатида қолган. Муаллифи — Пруссиянинг таълим вазир Вильгельм фон Гумбольдт уни XIX аср бошида жорий қилган эди.

Уша вақтда Пруссияда умумий бошланғич таълим мавжуд бўлишига қарамай, давлат у билан жиддий шуғулланмаган, яъни мактаблар қўрмаган, уларга маблағ ажратмаган, ўқитувчилар кўпинча маошсиз қолиб кетишган. Шунинг учун қишлоқларда тасодифий одамлар — иш тополмаган усталар, уруш ноғиронлари ҳам дарс бераверган. Саводли бўлса, бўлгани.

Наполеонга қарши урушда мағлуб бўлган давлатнинг ўзи ҳам хароб аҳволда эди. Шунда энг мураккаб иқтисодий муаммоларни фақат кескин ислохотлар ёрдамидагина бартараф этиш мумкинлиги маълум бўлди. Уларни эса фақат эркин, ўқимли одамлардан ташкил топган жамият олдинга силжити олар эди. Айнан шундай одамлар иқтисодиётни ривожлантиришга, давлат ва жамиятнинг янгилашга қодир эди. Пруссия таълим вазирининг фикрига кўра, янги таълим тизими одамларни, уларнинг тафаккурини ўзгартириш керак эди.

Гумбольдт моделини таҳлил қилган олимларнинг таъкидлашича, ушбу модель ўқимли кишилар юқори баллар олиши, кўп мактаблар чоп этилиши ва кўпроқ муқофотларга сазовор бўлиши сингари кўрсаткичларга эга эмас, балки илм-фан ва ишлаб чиқаришни ҳам, тadbиркорлик ва маданиятни ҳам олдинга сўришга қодир бўлишлари керак, деган фикрга асосланган.

Шундай қилиб, ўша даврдаги ислохотлар ижодий фикрловчи одамлар етиштириб чиқишга олиб келди ва улар келгусида мамлакатни инновацион ривожланиш йўлига олиб чиқди.

Албатта, ҳар бир давлат ўз тарихини ўзи мустақил яратди. Лекин мазийдаги воқеаларни ўрганмоқ ва унинг энг ибратли жиҳатларини ҳаётга жорий этмоқ фақатгина ижобий самаралар келтириши, шубҳасиз.

Ўзбекистонда таълим билан боғлиқ муаммоларга энг юқори даражада эътибор қаратилаётгани ҳам уларнинг нечоғли мумкинлигидан далолат беради. Президентимиз ҳар бир йиғилишда, вилоятларга сафарлари ва зиёлилар билан учрашувларда ҳаммаша болалар боғчалари, мактаблар, техникумлар ва олий таълим муассасаларининг аҳоли масаласини кўтариши бежиз эмас. Негаки, соҳадаги ҳолат яхши эмаслиги маълум бўлиб қолди. Энди эса уни тубдан, тўлиқ ва принципиал жиҳатдан ислох қилишга киришилди.

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинида асосий камчиликларни бартараф этишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий сарҳад-ҳара-

катлар белгилаб олинди. Уларнинг ҳаммаси интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва инновацион тараққиётга эришиш учун мустаҳкам пойдевор яратишни мақсад қилган. Ушбу ҳужжатларни босқичма-босқич ижро этиш давлат ва жамиятни ўзгартиришга хизмат қилапти, халқимизнинг ишончини мустаҳкамлаб, халқаро ҳам-жамиятнинг эътирофига ҳам сазовор бўляпти.

2019 йилнинг сентябрида давлатимиз раҳбари Тошкентдаги Президент мактабига ташрифи чоғида фахрий меҳмонлар дафтарида жумладан, шундай фикрларни ёзган: “Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янги таълим ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жондан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз”.

Тарихан қисқа муддат ичида ана шу эзгу мақсадга эришиш учун салмоқли ишлар қилинди. “Мактабгача таълим — мактаб таълими — олий таълим” узвий тизими шакллантирилди. Усиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши



учун шароит яратишга йўналтирилаётган сармоялар сезиларли даражада оширилди. Нафақат шакли, балки мазмун жиҳатидан ҳам янги болалар боғчалари, мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юрталари пайдо бўлди, уларда пухта билим ва илғор тафаккур, замонавий кўникма ва малакалар шакллантирилмоқда. Ўн бир йиллик мактаб таълими қайта тикланди. Республикаимиз бўйлаб Президент мактаблари, ихтисослаштирилган, иход ва хусусий мактаблар очилди. Уларда иқтидорли болаларни аниқлаб, ҳар томонлама ривожлантириш орқали янги давр кадрларини тайёрлаш учун мустаҳкам асос яратилмоқда.

Ёшларни касбга йўналтириш ишларига эътибор қўйилди, амалий машғулотлар ҳажми кўпайтирилди, шунингдек, моддий-техник база янгилаб, халқаро андозалар даражасидаги илғор технологиялар жорий этилмоқда.

Бугун янгида бунёд этилаётган мактаблардаги шароитларга бир бор назар ташласак, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг маъно-мазмунини янада теран англаймиз. Кенг ва ёруғ, шинам хоналар, замонавий жиҳозланган лабораториялар, электрон доскалар, глобал тармоққа уланган компьютерлар, сўнгги русумдаги ўқув қуроллари ва ускуналари... Улар ҳар бир ёшнинг қувваи ҳофизасини юзага чиқариши, пухта билим олиши учун хизмат қилади.

Янгилаб берилган Ўзбекистоннинг мактаб таълими яна бир жиҳатдан ўзига ҳоски, унда таҳсил олаётган йигит-қизлар нафақат умумтаълим фанларига оид билимларни эгаллайди, балки катта ҳаёт учун зарур бўлган касб-хунарларни ҳам ўрганиб, мустақил фаолият юрита оладиган мутахассис сифатида мактабни тамомлайди.

Бу нима учун муҳим, деб сўрашингиз мумкин. Бунинг муҳимлиги шундаки, эртага олий ўқув юртида ўқишга кириш учун ҳаракат қилган йигит-қизлар билимлар рақобатига дош беролмай, омадсизликка учраган тақдирда умидсизликка тушмайди. Негаки, у мактабдаёқ ўзи хоҳлаган касбни пухта эгаллаган ва керак бўлса, шу касб бўйича ишга жойлашиш имкониятига эга.

вий билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун барча шароит яратилгани замирида ана шундай эзгу муддао муҳассамдир.

БУЮКЛАРГА МУНОСИБЛИК БАХТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ғи Фармони етакчи тармоқларнинг сифат жиҳатидан янгилаш ва мамлакатни тараққий этиришга хизмат қилади.

Бу эса давлат ва жамият ривожидидаги миллий инсоний капитали шакллантиришдаги босқичлардан бири бўлиб, истиқболимиз учун жуда муҳимдир. Биргаликда, умумий сарф-харажатлар ёрдамида олдимизга қўйилган мақсадларга етишимизга сира шубҳа йўқ.

Ишончимиз шунинг учун ҳам мустаҳкамки, ота-боболаримиз жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк инсонлар бўлишган. Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Махмуд Замаҳшарийнинг номлари бутун дунёга машҳур.

Илм-фан, адабиёт ва дин соҳаларида эришилган катта ютуқлар, озошлик ва тараққиётга тўсқинлик қилувчи билимсизлик устидан қозонилган галаба ана шу буюк тарихий шахсларнинг номлари билан боғлиқ. Улар жаҳон Ренессанси — Уйғониш даврида муҳим роль ўйнаган, илм-маърифат ва хунаранчилик ривожига улкан ҳисса қўшишган. Уларнинг сарф-харажатлари билан қадим замонлардан бошлаб одамлар билим ва кўникмаларнинг, турмуш даражасини оширишни таъминловчи ахлоқий-маънавий тарбиянинг мазмун-моҳиятини англаб етишган. Аждодларимиз бизга — кейинги авлодларга ҳажми ва аҳамиятига кўра бебаҳо мерос қолдиришган.

Халқимизда “Хунар — оқар булоқ, билим — ёнар чирок”, деган пурҳикмат макол бор. Зеро, қўлида хунари бор инсоннинг хонадониди кут-барака ниҳоясиз булоқ суви мисоли доимо оқиб туради. Билим юксак манзилларга, баланд марраларга элтувчи йўлларни худди чирок қаби ёритади. Севган касб-хунари, юксак билими бор инсон ҳаёт йўлларида қўқилмайди, ўз орзу-мақсадларига етади.

Мамлакатимизда ҳар бир болага шахс сифатида ёндашилиб, уларнинг замона-

Демак, ҳар биримизнинг бугунги кундаги муқаддас бурчимиз — уларнинг ишини муносиб давом эттиришга қодир бўлиш, яъни билимларимизни тўхтовсиз бойитиб бориш, янги кашфиётларни амалга ошириш, ўз соҳамиз бўйича маҳорат сирларини эгаллашда янги-янги чўққиларни забт этишдан иборат.

Айниқса, бугун ҳар бир ёш авлод вакили буюк аждодларга муносиблик бахти ва ўз навбатида, масъулияти ичра яшаши лозим. Тўғри, ҳар қандай жамиятда иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни бир қадар тез ўзгартириш, бу борада янги қонуналар қабул қилиб, туб ислохотлар ўтказиш мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам ўша янгилашларга одамларнинг муносабатини, уларнинг бу борадаги тафаккури, кўникмалари, урф-одатларини дабдурустдан ўзгартириб бўлмайди.

Тан олишимиз керак: бугунги ислохотлар, уларнинг замиридаги улуг мақсадларни англаш, идорқон этиш баъзилар онгидида оғирқаровонлик билан кечаётгани ҳам бор гап. Улар мактабни тамомлаган ўғлининг эртанги истиқболи ҳақида қайғуриш ўрнига “Фарзандимиз шунча йил ўқиди, бўлди-да. Ўқиган билан шаҳар олиб берармиди? Унинг ўрнига ишласин: тўрт-беш сўм пул топса, оила бюджетига ёрдамлашган бўлади” ёки “Қиз бола — биронинг хасми, ўқиган билан фойдаси йўқ, барибир уйда ўтиради, унинг бахтини бойламай, бирортасига узатиб, тезроқ қутулайлик”, дея саёз фикрлаётган ота-оналар ҳам, афсуски, учрайди.

Бироқ олий таълим олмаган, бирор соҳанинг мутахассиси бўлмаган йигит-қизлар катта ҳаёт йўлларидаги пасту баландликларда қўқилиши, учраган тўсқинларнинг энгис ўтишга қийналиши мумкин. Шундай экан, аввало, ота-она болага мактабданок тўғри йўл кўрсатиши, мурғак қалбнинг орзу-мақсадларига қанот бўлиши керак. Зеро, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилмоқда.

Хусусан, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича устувор вазифаларга мос кадрларни тайёрлаш мақсадида ўрта-маҳсус ва олий таълим тизими ҳам тубдан ўзгармоқда. Мисол учун, мамлакатимизда кейинги бир неча йил давомида 43 та янги олий таълим муассасаси фаолият бошлагани, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари очилаётгани ёш йигит-қизларимиз парвози учун кенг майдон яратмоқда.

РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИК — ГЛОБАЛ ЭХТИЁЖ

Замонавий таълим тизимини нимасиз тасаввур этиб бўлмайди? Албатта, рақамли ва компьютер технологияларисиз. IT-технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш — бу ҳеч бир истисносиз барча соҳаларда сифат жиҳатидан янги таълимнинг ажралмас бир бўлаги.

Экспертлар фикрича, бугун рақамлаштириш жараёнининг ютуқларини, унинг услублари механизмлари, имкониятларини ҳисобга олмасдан инсон фаолиятининг бирор соҳасини ривожлантириш мушкул.

Бугунги давр янги қордалар, янги таълим услублари ва янги ахборот ташувчиларини тақлиф этмоқда. Технологиялар базавий эҳтиёжга, интернет эса “глобал мия” билан алоқа ўрнатиш усулига айланди. Бизнинг мамлакатимиз ўзгарган дунё билан бирга қадам ташлаш учун етарли салоҳиятга эга. Ама, биргина “учинчи Ренессанс” иборасини олинг — у ҳам қозғошда ёзилган ҳолда эмас, балки экранларда кўпроқ кўзга ташланади. Аммо ҳозир ҳам, худди беш юз, минг йил илгариғидек, Уйғониш даврининг негизда билим ва иқтидор, изланиш ва яратувчанлик, синчков ақл-фаросат ва эркин фикрдан иборат мустаҳкам, бузилмас пойдевор ётади. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади”, деган ғоясининг чуқур фалсафаси ҳам шунда.

Жорий йил Ўзбекистонда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилинган. Шу йўналишдаги сарф-харажатлар, айниқса, пандемия сабабли рўй берган фавқулодда синовлар даврида қанчалик асқатгани ва ўзини тўлиқ оқлагани кўндек равшан.

Тўғри, онлайн ва масофавий таълимнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиб, у бўйича турлича муносабат билдириш мумкин. Аммо коронавирус оддий, қундалик ишларимизни ҳам ҳаёт ва саломатлик учун хавfli қилиб қўйган мураккаб бир шароитда ахборот алмашиш ҳамда билим олишда айнан шундай усул қўл келди ва у ягона имкониятга айланди. Ўзбекистон фойдали ва ноёб бўлган бу тажрибани янада бойитмоқда, мазкур йўналишни ривожлантирмоқда, эришилган натижалар билан ўртоқлашишга ҳам тайёр.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида киритган, ўзаро келишилган ўқув дастурлари асосида аҳолини ўқитиш, соҳа мутахассисларини тайёрлашга қаратилган ШХТнинг рақамли саводхонликини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги тақлиф дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Германиялик Марказий Осиё бўйича эксперт, “Berliner Telegraph” журнали муҳбири Анна Вольтхат янги тараққиёт босқичига ўтган ШХТда Ўзбекистоннинг алоҳида ролини қайд этар экан, республика раҳбарининг ушбу тақлиф иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётган бир шароитда жуда муҳим эканини таъкидлади.

Беларусь давлат университети халқаро муносабатлар факультети профессори Виктор Шадурийнинг сўзларига кўра, ШХТ мамлакатлари учун дастур ишлаб чиқиш ғояси давлатлар ва халқларни бирлаштирувчи аниқ ташаббус бўлиб, у замонавий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини реал ҳаётга жорий этиш жараёнида нафақат аҳолининг катта қисмида компьютер жиҳозларидан фойдаланиш кўникмалари мавжуд эмаслиги, балки рақамлаштиришнинг аҳамиятини тушунамслик ҳам ҳалақит берапти, деб ҳисоблайди эксперт. Замонавий тараққиётнинг рақамли жиҳатлари аҳамиятини тан олмаслик алоҳида шахслар учун ҳам, бутун мамлакатлар учун ҳам аянчи оқибатларга олиб келиши мумкин. АКТдан фойдаланишни билмаслик бугунги кун одами учун “саводсизлик”дир, у аниқки, меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонлар учун кеңирилик ҳол.

— Ўзбекистон етакчилиги томонидан тақлиф этилган халқаро дастурни мамлакатларимизда 1920 — 1930 йилларда амалга оширилган саводсизликнинг туғатиш дастури билан қиёслаш мумкин, — дейди В. Шадурий. — Бу борада аниқ ва тушунарли ишлар қўл. Шунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг компьютер саводсизлигига қарши курашга даъватини ҳамма эшитиши керак.

Ўткир РАҲМАТ.



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-қодишни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўлушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусаҳҳир — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.10 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши